

## Суннат йўлида бўлса, ғам чекма!



08:03 / 28.01.2021 2331

Муътамир айтади: «Бир дўстим вафот этди. Мен у билан бирга ҳадис ўрганар эдим. Отам менинг уни деб ғам-қайғуга ботганимни кўриб, «Эй Муътамир, дўстинг суннат йўлида эдимми?» деди. «Ҳа», дедим. Отам: «Унда унинг учун ғам чекма», деди».

**Изоҳ:** Дўстингнинг тутган йўли тўғри бўлса, Аллоҳ таолонинг наздида яхши даражаларга эришади. Шундай экан, унинг аҳволи нима бўлди деб ғам чекиш керак эмас. Агар у нотўғри йўлда бўлганида ғам-ташвиш қилса ўринли бўлар эди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан